

**Ризаев Н.К.**

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси

доценти

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР (МҲҲС)ГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

**Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, республикамизда молиявий институтлар фаолияти устидан тўлиқ назоратнинг сустиги, бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талаблари даражасида етарлича ташкил этилмаганлиги ва молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини тасдиқловчи аудиторлик хизматлари фаолиятида жиддий камчиликлар борлигидан далолат беради. Шунинг учун бу борадаги илмий тадқиқотлар асосида тайёрланган тавсиялар муҳим аҳамият касб этади.**

Ўзбекистоннинг ўз танлаб олган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар тўғри экани сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштириш, умуман, мамлакатимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар, истиқлол йилларидаги жадал ривожланиши мисолида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда. Масалан, 2012 йилда жаҳон миқёсида молиявий ва иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда, кўпчилик мамлакатларда ўсиш ўрнига пасайиш ҳолатлари юз бераётганига, жиддий ижтимоий муаммолар ва ён-атрофимизда кескинлик, турли қарама-қаршилик кучайиб бораётганига қарамасдан, Ўзбекистонда иқтисодиёт барқарор суръатлар билан ривожланиб, бу борадаги кўрсаткич 8,2 фоизни, охириги уч йил якуни билан 27,7 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, биз XXI асрда, интеллектуал қадриятлар устувор бўлган асрда, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган асрда яшамоқдамиз. Бу эса иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида жиддий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизацияни талаб этгани ҳолда халқаро интеграциялашувни янада чуқурлашувига олиб келади.

Маълумки, 2013 йилда ҳам банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарорида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга қаратилади<sup>1</sup>.

Айниқса банк тизмида, хусусан банк активлари (маблағлари) ҳақидаги аниқ ва тўлиқ маълумотларни ўзида мужассамлантирувчи тизим - бухгалтерия ҳисобини ҳам молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) талабларига мувофиқ равишда ташкил этиш ва юритишни тақозо этади.

Жаҳонда давом этаётган глобал молиявий инқирознинг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва улар мувоффақиятли амалга оширилмоқда. Зеро, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Молия – банк тизимининг ишончли бошқарув механизмларни ўз вақтида шакллантириб ва мустаҳкамлаб олганимиз бунга кафолат ва асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар”<sup>2</sup>

Жаҳон миқёсда ишлаб чиқариш жараёнининг интеграциялашуви даражаси ортиб бораётганлигини инобатга олсак, ушбу масаланинг нечоғли долзарб эканлигини гувоҳи бўламиз. Чунки, мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намоён этиб келмоқда. 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24, 3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди”<sup>3</sup>.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишига, халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришга уриниши бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан бирлигини, миллий кўрсаткичларни хорижда қўлланилаётган ушбу кўрсаткичлар билан мувофиқлаштиришни талаб этади.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил этишда, аввалом бор, уларда мукамал тарзда ҳисоб сиёсатини шакллантириш, ҳар қандай фойдаланувчилар учун тушунарли бўлган ва самарали бошқарувни таъминловчи молиявий ҳисоботларни тузиш каби услубиятларни яратиш лозим бўлади.

Ўзбекистонда банк тузилмаларини жаҳондаги иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар банк тизимлари қаторига киришини таъминлаш ва бу соҳада жаҳон амалиёти ютуқларини бевосита банк тизими фаолиятига қўллаш, жаҳон банк тизимидаги банкларнинг молиявий ҳисоботларини тузишнинг концептуал ва ўзига хос асосларини ишлаб чиқариш ва банк амалиётига қўллаш бевосита

---

<sup>1</sup> “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устивор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар” дастури.

<sup>2</sup> И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент- “Ўзбекистон”-2009. 12 б.

<sup>3</sup> И.А.Каримов “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013. 64 б. .

банкларнинг ривожланиши ва мустақамланишига туртки бўлади. Шунингдек, жойизки, сўнги йилларда хориж сармояларининг сезиларли равишда ортиб бориши банк тизимига бўлган ишончнинг яна ошишидан далолат бермоқда. Бу эса ўз навбатида тижорат банкларининг турли потенциал фойдаланувчиларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг сифат тавсифини ва ахборотларнинг ошкоралик даражаларини янада кучайтириш лозимлигини билдиради ва бунда жаҳон амалиётида ишлаб чиқарилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХХС)<sup>1</sup> ни қўллаш катта аҳамият касб этади (1-жадвал).

1-жадвал

### МХХСларни гуруҳлаштириш<sup>2</sup>

№	МХХС гуруҳлаштириш номи	МХХС рақами
1	Кириш стандартлари	МХХС (IAS) 1, МХХС (IAS) 7, МХХС (IAS) 8
2	Асосий стандартлар	МХХС (IAS) 18, МХХС (IAS) 2, МХХС (IAS) 37, МХХС (IAS) 12
3	Узоқ муддатли активлар ва мажбуриятларни ҳисобга олувчи стандартлар	МХХС (IAS) 16, МХХС (IAS) 36, МХХС (IAS) 40, МХХС (IAS) 17, МХХС (IAS) 38, МХХС (IAS) 11, МХХС (IAS) 23, МХХС (IAS) 20
4	Хусусий стандартлар	МХХС (IFRS) 1, МХХС (IAS) 21, МХХС (IAS) 5, МХХС (IAS) 29
5	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича стандартлар	МХХС (IAS) 19, МХХС (IAS) 26, МХХС (IFRS) 2
6	Компаниялар учун стандартлар	МХХС (IAS) 14, МХХС (IAS) 33, МХХС (IAS) 34
7	Ахборотларни очиқ берувчи стандартлар ва тармоқ стандартлари	МХХС (IAS) 10, МХХС (IAS) 24 МХХС (IFRS) 4, МХХС (IFRS) 6, МХХС (IAS) 41
8	Банк стандартлари	МХХС (IFRS) 7, МХХС (IAS) 32, МХХС (IFRS) 1

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси (БҲХСҚ)нинг асосий вазифаси унинг Низомида аниқ белгилаб қўйилган, жумладан:

*биринчидан*, жамият манфаати асосида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини тузиш ва тақдим этиш;

<sup>1</sup> Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Қўмитаси (БҲХСҚ 1973 йил 29 июн, Лондон) томонидан 50 дан ортиқ халқаро стандартлар (МХХС) ишлаб чиқилган.

<sup>2</sup> Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС), International Accounting Standards (IAS), International Financial Report Standards (IFRS).

*иккинчидан*, бухгалтерия ҳисоби стандартларини чоп этиш, молиявий ҳисоботни тақдим қилишда риоя этилиши, бутун жаҳонда қўллашни ва тадбиқ этишни кузатиш;

*учинчидан*, молиявий ҳисоботни тақдим этишга таалуқли бухгалтерия стандартлар ва жараёнларни такомиллаштириш ва уйғунлаштириш бўйича иш олиб бориш.

Шунингдек Қўмита томонидан мазкур стандартларнинг сифатига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган, жумладан:

- тушунарлилилик,
- узлуксизлик,
- ишончлилилик,
- қиёсланувчанлик.

Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу талаблар молиявий ҳисоботнинг асосий унсурлари кўринишида бизнинг қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган<sup>1</sup>.

Республикамызда фаолият юритаётган тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга босқичма-босқич ўтиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Жаҳон банкининг техник кўмагида амалга оширилади. Бунда асосан қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

*биринчидан*, тижорат банкларида молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботларнинг янги халқаро андозалари тавсияларини инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш;

*иккинчидан*, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларидан келиб чиқиб, тижорат банкларининг ҳисобварақлар режасини такомиллаштириш;

*учинчидан*, тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини, жумладан, йиллик молиявий ҳисоботларини оммавий ахборот воситалари ва интернет-сайтларида мунтазам эълон қилиб бориш.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, мазкур стандартлар (МҲХС) бугунги кунда Марказий банк учун монетар сиёсатни оқилона равишда амалга ошириш ва тижорат банклари устидан етарли назорат олиб бориш учун энг қулай шароитларни яратиб бермоқда.

Ўзбекистон банк тизими фаолиятига назар ташлаганда, банкларнинг молиявий ҳисоботларини тузиш борасида назорат бевосита Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган қатор меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда. Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини тайёрлашда МҲХСларини қўллаш ва шу асосда манфаатдор фойдаланувчиларга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун. 1996 йил 30 август. 6-модда. “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”, 1-сон БҲМС.

ошкор этиш банкларга бўлган ишончни оширади ҳамда хорижий шериклар билан бевосита алоқаларининг ривожланишида катта аҳамият касб этади.

2-жадвал

**МҲХСни тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларини тузишда қўллаш тартиби<sup>1</sup>**

№	Молиявий ҳисобот элементлари	Тартибга солувчи стандартлар (МҲХС)	Изоҳ
1	Активлар	МҲХС №8 “Ҳисоб сиёсати, ҳисобдаги ўзгаришларни баҳолаш ва хатоликлар”, МҲХС №16 Асосий воситалар, МҲХС №36 Активларнинг қадрсизланиши, МҲХС №40 Инвестицион мулк, МҲХС №17 Ижара, МҲХС №38 Номоддий активлар, МҲХС №32 Молиявий дастаклар, МҲХС №21 Валюта курсидаги ўзгаришлар	Банк активларини баҳоланиши, уларни тан олиш, киримга олиш, ҳисобдан чиқариш, амортизация ҳисоблаш, курсдаги фарқлар ва уларни молиявий натижаларга олиб бориш тартибини ёритиб беришда
2	Хусусий капитал	МҲХС №1 Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, МҲХС №20 Давлат субсидияси ва грантлари.	Банк капиталининг таркиби: устав, қўшилган ва резерв капитал, тақсимланмаган фойдани ҳисобга олишда.
3	Мажбуриятлар	МҲХС №37 Шартли мажбуриятлар ва шартли активлар, мажбуриятларнинг баҳоланиши, МҲХС №26 Пенсия таъминоти ҳисоби ва ҳисоботи, МҲХС №23 Заёмлар бўйича харажатлар, МҲХС №19 Ходимларни рағбатлантириш	Банк мажбуриятларини юзага келиши, пенсия таъминотини ҳисобга олиш ва ходимларни рағбатлантириш, мажбуриятларни потенциал баҳолашда

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома” га тўлиқ мувофиқ келади. (№1834, 2008 йил 11. 06).

4	Даромадлар	МҲХС №33 Акция ҳисобланган даромадлар, МҲХС №18 Тушум	Банкларда даромадларни шакллантириш ва уларнинг ҳисобини юритишда, шунингдек бир акцияга тўғри келадиган даромадларни ҳисобга олишда
5	Харажатлар	МҲХС №12 Даромаддан солиқлар, МҲХС №1 Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш	Банкларда харажатларни пайдо бўлиши ва уларнинг ҳисобини юритишда, шунингдек даромаддан солиқларни ҳисоблашда
Молиявий ҳисоботларни тузишда:			
МҲХС №1 Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш, МҲХС №34 Оралиқ молиявий ҳисоботлар, МҲХС №29 Гипперинфляция шароитида молиявий ҳисобот, МҲХС №27 Консолидациялашган молиявий ҳисобот, МҲХС №8 Ҳисоб сиёсати ва ундаги ўзгаришлар, МҲХС №7 Пул маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот			Банкларда молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал асосларини белгилайди. Молиявий ҳисобот тамойилларини тушинтиради.

Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этишдаги асосий муаммолар сифатида куйидагиларни белгилаш мумкин:

*биринчидан*, бухгалтерия (молиявий) ҳисобини халқаро стандартлар (МҲХС)га ўтказиш тартиби таҳлил қилиниб унинг йўналишлари тўлиқ очиқ берилмаганлиги;

*иккинчидан*, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) ўртасидаги фарқлар бўйича юзага келган муаммолар бартараф этилмаганлиги;

*учинчидан*, бухгалтерия ҳисоби тизимининг замонавий ҳолатига мос бўлган тенденцияларни баҳолашда бухгалтерия ҳисоби ва МҲХС талабларига мувофиқ тарзда юритувчи малакали кадрларнинг етишмаслиги;

*тўртинчидан*, банклардаги амалиётчи бухгалтерларга МҲХС бўйича тайёрланаётган ахборотлардан фойдаланишдаги амалий кўникмаларнинг тўлиқ шаклланимаганлиги.

Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир объектлари

бўйича халқаро стандарт(МҲХС)лардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд бўлиб, буни қуйидаги жадвал маълумотларидан англаш мумкин.

2-жадвал

**Молиявий ҳисоботларнинг таркиби бўйича халқаро ва миллий стандартлар ўртасидаги боғлиқлик**

<b>МҲХС (халқаро)</b>	<b>БҲМС (миллий)</b>
Молиявий аҳвол тўғрисидаги ҳисобот (Бухгалтерия баланси)	Бухгалтерия баланси (1-шакл)
Ялпи даромадлар тўғрисидаги ҳисобот (Фойда ва зарарлар тўғрисида)	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)
Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл)
Капитал ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл)
Ҳисоб сиёсати, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар ва хатоликлар	Ҳисоботга иловалар, тушинтиришлар ва изоҳлар
Шарт қилиб белгиланмаган	Аудиторлик хулосаси (кейинги ҳисобот йилининг 1 майгача)

Юқорида билдирилган фикр мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини тўлиқ амалиётга жорий этиш ва уни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги назарий хулосаларга келинди:

- тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш жараёнини давом этиш лозим.

- МҲХСга ўтишда тижорат банкларининг халқаро банклараро миқёсда хорижий давлатлар билан алоқасини ташкил этиш ва ўз фаолиятларини кенгайтиришлари учун улардаги молиявий ҳисобот шакллари имкон қадар соддалаштириш.

Республикамиздаги тижорат банкларида тузилаётган бухгалтерия (молиявий) ҳисобот шакллари билан халқаро стандартлар (МҲХС)даги шакллар ўртасида ва уларнинг номланишида фарқларни кўриш мумкин. Тўғри, МҲХС бу умумий тавсиф кўринишга эга, турли давлатлар ўзларининг сиёсати, иқтисодиёти, ижтимоий тузилиши каби хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўз стандартларини ишлаб чиқади, аммо, жаҳонда юз бераётган халқаро интеграциялашув жараёни молиявий ҳисоботлардаги ахборотларни имкон қадар бир ҳиллик бўлишни талаб этади.

Тижорат банклардаги мавжуд бухгалтерия ҳисобини халқаро стандарт талабларига мувофиқ ташкил этиш ва уни юритишда бизнинг фикримизга кўра қуйидагича амалга ошириш лозим:

*биринчидан*, трансформацион йўл билан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни МҲҲС қоидаларига мувофиқлаштириш;

*иккинчидан*, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш тартибини МҲҲСнинг дастлабки ҳисоби бўйича (БҲМСга параллел равишда) олиб бориш.

Трансформацион йўл билан МҲҲСга мослашиш қулай бўлиши мумкин, ammo малакалий мутахассислар етишмайди. Иккинчи йўл эса янада соддароқ, лекин кўп меҳнатни талаб этади.

Фикримизча дастлабки босқичда қуйидаги масалалар хал этилиши керак:

1. МҲҲС бўйича ҳисоботларга қўйилган умумий талабларни ўрганиб чиқиш;

2. МҲҲС ва БҲМС ўртасида қиёсий таҳлилни ўтказиш ва тегишли хулосаларни ишлаб чиқиш;

3. МҲҲС 1 «Молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш» деб номланган стандарт талабларини ўрганиш;

4. МҲҲС асосида ҳисоб сиёсатини тузиш.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг тижорат банклари фаолиятига тадбиқ қилиниши банкларнинг рақобат кураши учун замин ҳозирлайди, ҳамда банк хизматини кўрсатиш савиясини оширишга хизмат қилади, банк мутахассисларининг ўз устида мутазам изланишлар олиб боришга ундайди. Бундан ташқари МҲҲСга ўтиш банклар учун қулай ва хорижлик инвесторларни жалб қилиш йўналишларидан бири ҳисобланади.

МҲҲСга ўтиш тижорат банкларининг халқаро банклараро миқёсда фаолиятларини амалга оширишлари ва ўз фаолиятларини кенгайтиришлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, тижорат банклар молиявий ҳисоботларининг шаффофлигини ошишига, молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларни кенгайтиришга олиб келади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, яқин келажакда Республикамиз тижорат банкларидаги мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизими халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган такомиллашган ҳисоб тизимига айланиши шубҳасиз албатта.

### **Фойдаланилган адабиёт**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, 1996 йил 30 август 279-1- сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни, 1996 йил 25 апрел.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада



ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ–1438–сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48–сон, 442–модда).

4. “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома” (ЎРМБ. №1834, 2008 йил 11. 06).
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: "Ўзбекистон"- 2009 - 56 б.
6. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Тошкент: "Ўзбекистон", 2012 – 36 бет.
7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Тошкент: "Ўзбекистон", 2013. 64 б.
8. Вахрушина М.А. МСФО: методика трансформации РО. М.: Омега, 2007. -565 с.
9. Генералова Н.В. Международные стандарты финансовой отчетности. М.:Проспект-2008. 325 с.
10. Ибрагимов А.К. ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. БМА-2010.272 б.
11. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси, 2012.- 180 б.
12. ОАТ “Туронбанк” молиявий ҳисоботи, 2012 йил
13. [www.pravo.uz](http://www.pravo.uz).
14. [www.apb.org.uk](http://www.apb.org.uk)-(Auditing Practices Board),
15. [www.nao.gov.uk](http://www.nao.gov.uk) - (UK National Audit Office),
16. [www.iasc.org.uk](http://www.iasc.org.uk) - (International Accounting Standards Committee),
17. [www.aicpa.org](http://www.aicpa.org) - (American Institute of Certified Public Accountants).